



ТАҚИҚЛАНГАН ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ЖИНОЯТИДА ИСБОТЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР

А.Хайруллаев

Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистратура тингловчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11519012>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-June 2024 yil
Ma'qullandi: 04-June 2024 yil
Nashr qilindi: 07-June 2024 yil

KEY WORDS

исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, далил, далилларни баҳолаш, исботлаш предмети, ашёвий далил, экспертиза маълумотномаси, эксперт хулосаси.

ABSTRACT

мазкур мақолада бугунги кунда тақиқланган экинларни етиштириш жиноятлари бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, мазкур турдаги жиноят ишларини тергов қилиш давомида эътиборга олинishi лозим бўлган жиҳатлар, бу турдаги ишлар бўйича тайинланадиган экспертизалар ва амалиётда вужудга келаётган муаммолар, уларнинг ечимлари бўйича илмий-амалий таклиф ва мулоҳазалар ёритилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда “Инсон қадри учун” деган эзгу ғояни тўлиқ рўёбга чиқариш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, давлат органлари фаолиятига тизимли ва босқичма-босқич жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, жамият ва ҳар бир фуқаро ҳаётига уларни татбиқ этиш Янги Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида марказий ўринни эгаллаб келмоқда.

Шу сабабли инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд-тергов соҳасида ҳам ҳар томонлама кафолатлаш, шахснинг айби суд жараёнида исботланмагунига қадар у айбдор ҳисобланмаслиги қондасини Конституциявий норма сифатида киритилди.

Жумладан, Конституциянинг 27-моддасида «Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олинishi, ушлаб турилиши, қамоққа олинishi, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас»лиги, 28-моддасида эса «Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади»[1] деб белгилаб қўйилганлиги юртимизда инсон ҳуқуқлари борасидаги ислохотларнинг ҳуқуқий механизмини пойдевори саналади.

Шахсларнинг бевосита жиноят процессида назарда тутилган ҳуқуқларининг конституциявий норма сифатида олий юридик кучга эга бўлган ва тўғридан тўғри амал қилувчи ҳужжатга киритилиши бу борадаги ислохотларни келгусида изчил тарзда олиб борилишидан далолат беради.

Шундай экан, тақиқланган экинларни етиштириш жиноятини фош этиш ва

тергов қилишга қаратилган фаолиятнинг асосий мақсадларидан бири бу иш ҳолатларини ҳар томонлама ва тўлиқ ўрганиш ҳамда холисона баҳолаш орқали содир этилган қилмишда жиноят таркибининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини, шу билан бирга жиноят ишида исботланиши керак бўлган ҳолатларни аниқлаш ва мустаҳкамлаш саналади.

Жиноят ишларининг судда юриштирининг самарадорлиги ҳар бир муайян ҳолда унинг натижалари қонунда белгиланган вазифаларга мувофиқлиги тарзида тушунилиб, тергов қилинаётган ҳамда кўрилаяётган ишнинг ҳолатлари ҳар томонлама, тўла ва холисона тадқиқ этилгандагина таъминланиши мумкин. Жиноятларни тез, тўла очиш, айбдорларни фош этиш, уларга адолатли жазо берилишини таъминлаш ҳамда айни вақтда айбсизларни жиноий жавобгарликка тортиш фактларини бартараф этиш, жиноят содир этилганлигига сабаб бўлган ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш, фуқароларни қонунларга сўзсиз риоя этиш руҳида тарбиялаш – бу вазифаларнинг ҳар бири ва барчасини яхлит ҳолда рўёбга чиқариш ҳар бир муайян ҳолда хилма-хил аниқ ахборотнинг катта ҳажмини текшириш ва баҳолаш заруратини ташкил этади.

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда жиноят иши предметини ҳисобланадиган ҳолатларни ишончли аниқлаш ҳамда шу асосда муайян ҳолга нисбатан санкциялар ва тарбиявий-профилактик чораларни белгилайдиган ҳуқуқ меъёрларини қўллаш лозим.

Далилларни топиш, процессуал қайд этиш, текшириш ва баҳолаш жиноят-процессуал ҳуқуқ меъёрлари томонидан тартибга солинади. Ушбу масалаларни бевосита тартибга соладиган ҳуқуқий меъёрлар йиғиндиси жиноят процессуал ҳуқуқнинг таркибий қисми ҳисобланадиган исботлаш ҳуқуқи деб аталади. Уни далиллар назарияси билан чалкаштириш мумкин эмас. Далиллар назарияси исботлаш ҳуқуқига қараганда кенгроқ бўлиб, далиллар тарихи масалаларини, уларнинг назарий асосларининг қонун жиҳатидан тартибга солиниши ривожининг тавсифини, хорижий давлатлардаги турли тизимларни, низоли назарий муаммоларни ва шу кабиларни қамраб олади.

Тақиқланган экинларни етиштириш жиноятини тергов қилишда мазкур жиноятларнинг криминалистик тавсифи ҳамда юзага келадиган типик тергов вазиятларини таҳлил қилиш каби вазифалар қаторида, исботланиши лозим бўлган ҳолатларни ўрганиш, улар юзасидан далиллар тўплаш, текшириш ва баҳолаш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада бир қатор олимлар ўзларининг фикрларини билдириб ўтишган. Жумладан, Х.Б.Жамолдинов ва А.С.Мирзаевлар, «Жиноят-процессуал кодексининг 82-моддаси қоидаларини мазкур кодекс махсус қисмининг ўзига хос нормалари ва ушбу тоифадаги қилмишларни содир этишни тартибга солувчи қонунлар билан интеграциялашуви алоҳида турдаги жиноятлар гуруҳи учун исботлашнинг аниқ предметини ташкил қилади. Тегишли тоифадаги ишлар учун аниқланиши керак бўлган ҳолатлар рўйхатини тақдим этиш, терговчи учун ўзига хос ташкилий-тактик кўрсатма вазифасини ўтабгина қолмай, тергов жараёнида бўшлиқ ва ноаниқликларга йўл қўймаслик билан бирга, криминалистик мазмун ҳам касб этади»[2].

Юқоридаги олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда, исботланиши лозим бўлган

ҳолатлар рўйхати ҳар бир жиноят турлари бўйича алоҳида алоҳида бўлишини, уларнинг мамун моҳияти эса бир мақсадга қаратилганлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Шунингдек, тақиқланган экинларни етиштириш жиноятларини тергов қилишда мазкур жиноятларнинг криминалистик тавсифи ҳамда юзага келадиган типик тергов вазиятларини таҳлил қилиш каби вазифалар қаторида, исботланиши лозим бўлган ҳолатларни ўрганиш, улар юзасидан далиллар тўплаш, текшириш ва баҳолаш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларнинг тез, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилиши дастлабки терговнинг самарадорлиги ва сифати юқори бўлишини таъминлайди[3].

Исботланиши лозим бўлган ҳолатлар жиноятларни тергов қилиш методикасининг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади. Бу борада Б.Б.Муродовнинг фикрича, исботлаш чегараси деганда, иш бўйича чиқарилган хулосаларнинг асослилигини тасдиқлаш учун далиллар, уларнинг манбалари ҳажми, шунингдек тергов версиялари, исботланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш доирасини белгилаб берувчи фаолиятни тушуниш лозим[4].

Мазкур масала юзасидан Р.С.Белкин ва бошқа бир қатор криминалист олимлар ўз илмий ишларида жиноятларнинг айрим турларини (гуруҳларини) тергов қилишнинг хусусий криминалистик усулларини доимий равишда такомиллаштириш зарурлигини кўрсатиб, хусусий криминалистик усуллари таркибига янги элемент – исботланиши лозим бўлган ҳолатларни киритишни таклиф қилади[5].

Шунингдек, олимлар Ғ.А.Абдумажидов, Р.А.Алимова, Т.Э.Ариповлар исботланиши лозим бўлган ҳолатларга жиноятларнинг криминалистик тавсифи элементларидан бири сифатида қарашни таклиф қилишади[6].

Яна бир олим О.Д.Алланазаров эса исботланиши лозим бўлган ҳолатлар жиноятларни тергов қилиш хусусий методикасининг ажралмас таркибий қисми эканлигини, чунки исботланиши лозим бўлган ҳолатлар нафақат қилмишнинг криминалистик жиҳатларини, балки жиной-ҳуқуқий ҳамда жиноят-процессуал аҳамиятга эга бўлган барча белги ва хусусиятларини аниқлаш ва текширишни ўз ичига олишини таъкидлайди[7].

Юқорида бир қатор олимларнинг жиноятларни тергов қилиш борасида исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг ўрни ва аҳамияти борасида фикрларини келтириб ўтдик.

Бизнинг фикримизча, бу борада энг тўлиқ ва тўғри таъриф О.Д.Алланазаров томонидан билдириб ўтилган. Боиси, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ҳар бир жиноят турлари бўйича алоҳида хусусий элемент ҳисобланиб, барча жиноят турларига нисбатан бир хилдаги исботланиши лозим бўлган ҳолатларни татбиқ этиб бўлмайди. Сабаби жиноятлар бир биридан ҳар бир элементи жиҳатидан фарқ қилганлиги каби исботлаш предмети ҳам жиноят турларидан келиб чиқиб, бир биридан фарқ қилади. Айрим жиноят турларида мавжуд бўлган исботлаш элементи бошқа жиноят турида учрамаслиги мумкин. Шу сабабли олим О.Д.Алланазаровнинг фикрига қўшилган ҳолатда исботланиши лозим бўлган ҳолатларни ҳар бир жиноят турларига нисбатан хусусий методика эканлигини, ушбу элементлар фақатгина қилмишнинг криминалистик жиҳатларини ўз ичига олибгина қолмасдан балки жиной-ҳуқуқий ва жиной-процессуал жиҳатларини ҳам қамраб олишлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Бундан ташқари, жиноят ишларини тергов қилишда исботлаш жараёни юзасидан МДХ давлатлари олимлари ҳам бир қатор фикрларни билдириб ўтишган. Жумладан, А.Я.Гинзбург «Бизнинг фикримизча, ҳар бир жиноят турлари бўйича тергов ҳаракатларини олиб боришда жиноят кодекси ва жиноят процессуал кодексининг диспозициясида назарда тутилган ҳолатлардан бошқа ҳолатларни аниқлаш ва уларни баён этиш шарт эмас»[8] деб таъкидлаган.

Шу фикрга қўшилган ҳолатда Н.А.Селиванов исботланиши лозим бўлган ҳолатлар жинойи процессуал таълимотнинг бир қисми ҳисобланади[9] деб билдирган.

А.Г.Филиппов эса юқоридаги олимларнинг фикрига эътирозини билдирган ҳолатда, «исботланиши лозим бўлган ҳолатлар бу исботлаш предметининг элементи ва жиноят кодекси тегишли моддасининг диспозицияларини оддий механик бирикмаси эмас. Ушбу жиҳат жиноят-процессуал ва жиноят ҳуқуқи фанларига оид бўлган ҳолда, криминалистик томондан бойитилиб, янги сифат ҳосил қилади»[10] деб таъкидлаган.

В.А.Образцов эса Н.А.Селиванов ва А.Я.Гинзбургларнинг фикрига қарши кескин фикр билдириб, «бу ерда биз оддий янглиш ҳолатларига дуч келяпмиз, сабаби, энг аввало, қўшимча кўмаклашувчи фактларнинг муҳим криминалистик жиҳати назаримиздан четда қолмоқда, гарчи улар исботланиши лозим бўлган ҳолатлар рўйхатига кирмаса-да, исботлаш жараёнида ҳолатни аниқлашнинг аҳамиятли усули ҳисобланади»[11] деб билдириб ўтган.

А.А.Хмировнинг фикрига кўра, криминалистик тавсиф исботлаш предметини ўз ичига ололмаслигини, ушбу иккита тушунча бир-бирига мос тушмаслигини билдириб, ўз фикрини қуйидагича асослаган: «биринчидан, исботлаш предмети ва криминалистик тавсиф бир-бирига тўлиқ эмас, балки, қисман мос келади, иккинчидан, хатто бир-бирига мос келувчи жиҳатлар ҳам исботлаш предмети ва криминалистик тавсифнинг мазмун-моҳиятининг турли жиҳатлари учун турлича қўлланилади»[12].

С.В.Войцеховская, Г.И.Грамович, Л.Н.Калинкович, Н.И.Николайчик, Н.И. Порубов, Е.И. Радченко, Г.А. Ярошлар гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ ишларни тергов қилишда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар сифатида қуйидагиларни ҳолатларни келтириб ўтган: жиноят ҳодисаси (жойи, вақти, усули ва содир этилишини бошқа ҳолатлари), жиноят содир қилган шахснинг айблилиги, айбланувчининг айбини оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларнинг бор ёки йўқлиги, жиноят натижасида етказилган зарарнинг миқдори ва хусусияти[13].

Ушбу масала юзасидан кўплаб олимлар томонидан турлича фикр-мулоҳазалар илгари сурилган бўлсада, улар томонидан криминалистик тавсиф ва исботланиши лозим бўлган ҳолатлар бир-биридан айнан қандай белгиси билан фарқланиши ҳақида муносабат билдирилмаган. Фикримизча, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар жиноятларнинг криминалистик тавсифи элементларидан бири эмас, балки жиноятларни тергов қилиш хусусий методикасининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Биз криминалистик тавсиф ва исботланиши лозим бўлган ҳолатларни бир-биридан умумийлик ва хусусийлик белгилари асосида фарқлаш лозимлигини таклиф қиламиз. Назаримизда, криминалистик тавсиф барча жиноятларга тегишли умумий қоидаларни қамраб олса, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар алоҳида жиноят турларига оид хусусий қоидаларни қамраб олади ҳамда криминалистик тавсиф

элементи билан ёнма ён тарзда жиноятларни тергов қилиш соҳасининг муҳим таркибий элементи ҳисобланади.

Тақиқланган экинларни етиштириш жиноятини тергов қилишда энг аввал, жиноятнинг исботлаш предмети ва чегараларини белгилаб олиш лозим. Бу суриштирувчи ва терговчига тергов ёки суриштирувни мақсадли олиб бориш, унинг якуний мақсадини кўриш, жиноят қонунчилиги, криминалистик ва жиноят-процессуал вазифаларни ҳал қилиш имконини беради.

Тақиқланган экинларни етиштириш жинояти бўйича исботланиши керак бўлган ҳолатлар доираси Жиноят-процессуал кодексининг 82-84-моддалари талабларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган бўлиб, унга кўра, мазкур турдаги жиноятлар бўйича қуйидагилар исботланиши лозим:

- жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;

- содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек Жиноят кодексига кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш;

- жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;

- жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари;

- айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар.

Шунингдек:

- Жиноят-процессуал кодекснинг 83-моддасида кўрсатилган реабилитация учун асослар;

- Жиноят-процессуал кодекснинг 84-моддасида кўрсатилган айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар.

О.Д. Алланазаровни фикрига кўра, юқорида қайд этилган норманинг мазмуни асосан содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ва уни содир этган шахсни жавобгарликка тортиш учун аҳамиятли хусусиятларини аниқлашга қаратилган. Ваҳоланки, ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ҳал қилиш учун жиноят таркиби элементларини исботлашнинг ўзи етарли бўлмасдан, қилмишнинг жиноийлигини истисно этадиган (зарурий мудофаа, охирги зарурият ва ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш кабилар), жазони енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишга асос бўладиган ҳолатларни ҳам аниқлаш зарур[14]. Чунки, қилмиш муайян шахс томонидан қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатда, яъни зарурий мудофаа ёки охирги зарурат ҳолатида содир этилган бўлса, шахс жиноий жавобгарликдан озод қилиниши лозим. Тергов ҳаракатлари давомида ушбу ҳолатларни исботланмаслиги шахс ҳуқуқларини таъминлаш борасида жиддий қонунбузилишига олиб келиши мумкин. Бироқ, фикримизча, тақиқланган экинларни етиштириш жиноятларида зарурий мудофаа ва охирги зарурат ҳолатлари амалий жиҳатдан учрамайди. Мазкур турдаги жиноятларда жабрланувчи бўлмаганлиги сабабли юқорида келтириб ўтилган зарурий мудофаа ҳамда охирги зарурат ҳолатларини тақиқланган экинларни етиштириш жиноятларида исботлаш предметига киритишимиз мантиқий жиҳатдан нотўғри бўлади.

Жиноятнинг исботлаш предмети ва чегараларини белгилаб олиш борасида ҳам олимларнинг қарашлари турлича бўлиб, жиноятнинг криминалистик тавсифи исботлаш предмети билан ўзаро боғлиқлиги мураккаб масалалардан биридир. Жумладан, Р.Р. Шакуров ва бошқалар муайян турдаги жиноятнинг криминалистик тавсифи элементлари шу жиноятнинг исботлаш предметини ташкил қилишини таъкидлашади[15].

Б.А. Куринов исботланиши лозим бўлган ҳолатлар доирасига жиноят таркибини ҳосил қилувчи аломатларни киритиб, уларни ҳар бир жиноят иши бўйича исботлаш предмети сифатида қайд этади[16].

Р.С. Белкин исботлаш предмети криминалистик тавсифнинг “ядроси” эканлигини таъкидлайдилар[17].

Бу борада Б.А. Куринов ва О.Д. Алланазаровларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, Жиноят-процессуал кодекснинг 82-моддасида белгиланган исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг аксарияти жиноят таркибини ҳосил қилувчи элементлардан иборат бўлиб, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам энгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

Биз юқоридаги олимларнинг фикр-мулоҳазаларига қўшилган ҳолда, тақиқланган экинларни етиштириш жинояти бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар доирасига Жиноят кодексининг 270-моддасида назарда тутилган жиноят қонуни белгиларини ҳисобга олиш лозимлигини таклиф қиламиз.

Жиноят кодексининг 270-моддасида назарда тутилган тақиқланган экинларни етиштириш жиноятини очиш ва тергов қилишнинг назарий манбалари ва амалий тажрибасини таҳлил қилиш орқали ушбу тоифадаги жиноят ишлари бўйича аниқланиши ва исботланиши керак бўлган ҳолатларга қуйидагилар киради деган хулосага келишимизга имкон беради:

- тақиқланган экинлар етиштирилганми;
- тақиқланган экинларни етиштириш қонун асосида амалга оширилганми ёки ноқонунийми;
- айнан қайси ўсимликлар ноқонуний етиштирилган;
- тақиқланган экинлар нима мақсад ва мотивда етиштирилган;
- тақиқланган экинларни етиштириш қаерда амалга оширилган;
- тақиқланган экинлар етиштириш жинояти қайси муддат оралиғида амалга оширилган;
- тақиқланган экинларни етиштириш айнан қандай тарзда амалга оширилган (уруғи экилганми ёки ниҳолими, ўсимликни етиштиришда маълум бир технология қўлланганми, янги турлари етиштирилганми);
- тақиқланган экинларни етиштиришга тайёргарлик ҳаракатлари амалга оширилганми;
- тайёргарлик ҳаракатлари айнан қандай ҳаракатларда акс эттирилган;
- мазкур жиноятни яширишга ҳаракат қилинганми;

-айбдор томонидан жиноятни яшириш мақсадида айнан қандай ҳаракатлар амалга оширилган;

-тақиқланган экинларни етиштириш бир шахс томонидан амалга оширилганми;

-агарда жиноят гуруҳ томонидан содир этилган бўлса ҳар бир гуруҳ аъзоларининг вазибалари нимадан иборат бўлган;

-агарда жиноят уюшган жиноий гуруҳ томонидан амалга оширилган бўлса, тақиқланган экинларни етиштириш жиноятининг уюшган гуруҳ томонидан келгуси жиноий ҳаракатларидаги ўрни ва аҳамияти, жиноий гуруҳ аъзолари ва ташкилотчи тўғрисидаги маълумотлар, жиноий гуруҳ фаолият юритиш муддати тўғрисидаги маълумотлар;

- айбланувчининг жиноий жавобгарлигини оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларнинг бор ёки йўқлиги;

-айбдор шахснинг ҳаракатларида бошқа жиноят аломатларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, шунингдек, ноқонуний гиёҳвандлик воситалари савдоси била шуғулланганлиги;

- бошқа жиноят аломатлари мавжуд бўлса қайси тури мавжудлиги, ва у нимада ифодаланишлиги;

-тақиқланган экинларни етиштирган шахс ўзи гиёҳвандлик модда истеъмол қилиш қилмаслиги, агарда қилса айнан қайси турини, қандай усулда истеъмол қилишлиги;

-наркология диспансерида ҳисобда туриш ёки турмаслиги;

-қандай ҳолатлар айбдорнинг мазкур жиноятни содир этишига омил бўлганлиги;

Шунингдек:

- Жиноят-процессуал кодекснинг 83-моддасида кўрсатилган реабилитация учун асослар;

- Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасида кўрсатилган айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар.

Тақиқланган экинларни етиштириш жиноятида исботланиши лозим бўлган ҳолатлардан энг аввало экилган экиннинг тақиқланган экин эканлиги факти аниқланиши лозим. Эътиборлиси, исботланиши лозим бўлган бошқа ҳолатлар ушбу факт тасдиқланганидан кейингина, мантиқий давом сифатида текширилади.

Аниқланган экиннинг тақиқланган экин эканлиги ҳақидаги дастлабки маълумотлар қуйидаги манбалардан олиниши мумкин;

-эксперт криминалистика марказлари ва бўлимларининг дастлабки маълумотномаларидан;

- ҳодиса шоҳидлари тушунтиришларидан;

- ҲМҚО ходимлари томонидан бевосита аниқлаш натижасида;

- жуда кам ҳолатларда гумон қилинувчи шахснинг ўз айбига иқроп бўлиши шаклида.

Юқорида кўрсатилган маълумотлардан энг асосийси ва муҳими бевосита эксперт-криминалистик бўлимлари мутахассислари томонидан бериладиган дастлабки маълумотнома ҳисобланади. Айнан мазкур маълумотномада тақдим қилинган ўсимликлар таркиби тадқиқ қилиниб, таркибида гиёҳвандлик ёки психотроп

моддалар мавжуд мавжуд эмаслиги, агарда мавжуд бўладиган бўлса ушбу ўсимлик тақиқланган экинлар сирасига кириш кирмаслиги тўғрисидаги саволларга жавоб олинади. Шунингдек, ушбу дастлабки бериладиган маълумотнома терговчи ва суриштирувчилар учун жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Дастлаб терговга қадар текширув ҳаракатларини олиб борувчи мансабдор шахс, суриштирувчи ёки терговчи ушбу хабарлар орқали ҳодиса жойи ва вақти, қанча миқдорда тақиқланган экинлар етиштирилганлиги ҳамда қисман тақиқланган экиннинг қайси тури экилганлиги тўғрисидаги тахминий маълумотларга эга бўлади. Ушбу маълумотлар ҳақиқатдан ҳам жинойи қилмиш юз берганлигини тасдиқлашга хизмат қилади ва бошқа исботланиши лозим бўлган ҳолатларни текширишга йўл очади.

Кейинги босқичдаги энг муҳим масала бу ҳодиса жойидан олинган ўсимликлар тақиқланган экин эканлиги фактига ойдинлик киритиш ҳисобланади. Чунки, айнан ушбу масала содир қилинган ижтимоий хавfli қилмиш жиноят ёки жиноят эмаслигини тасдиқловчи элементларидан бири саналади.

Таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар мавжуд бўлган тақиқланган экинларни таркибини тадқиқ этиш махсус билим талаб қилиб, тегишли судга оид кимёвий экспертиза тайинлаш орқали аниқланади. Судга оид кимёвий экспертиза ўтказиш ваколати эса ИИБ, ДБҚ, ДХХ эксперт криминалистика бўлим ва бўлинмалари ваколатига тааллуқли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги 878-сонли «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида» 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарорига биноан амалга оширилиб келинади.

Судга оид кимёвий экспертиза Жиноят-процессуал кодексининг Жиноят-процессуал кодексининг 180-моддасига кўра, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг ва терговчининг экспертиза тайинлаш тўғрисида қарорига, суднинг эса шу ҳақдаги ажримига асосан ўтказилади. Унда: экспертиза тайинлаш учун асос бўлган сабаблар; экспертизага юборилаётган ашёвий далиллар ва бошқа объектлар, уларнинг қачон, қаерда ва қайси ҳолатда топилганлиги ва олинганлиги; иш материаллари бўйича экспертиза ўтказишда эса эксперт хулосаси асосланиши лозим бўлган маълумотлар; эксперт олдида қўйилган саволлар; экспертиза муассасасининг номи ёки экспертиза ўтказиш топширилган шахсининг фамилияси кўрсатилиши лозим[18].

Тақиқланган экинларни етиштириш жинояти бўйича судга оид кимёвий экспертиза хулосаси ҳал қилувчи муҳим омил саналсада, айти вақтдаги суд-тергов амалиётининг таҳлили, ҳозирда амалиётчи ходимлар томонидан далилий ашё тариқасида олинган ўсимликларни тақиқланган экин ҳисобланишлиги бўйича судга оид кимёвий экспертиза тайинлашда бир қатор хато-камчиликларга йўл қўйилаётганлигини, шунингдек, ашёвий далилларни олиш ва бошқа бир қатор ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда. Уларни қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

Биринчидан, терговга қадар текширув материаллари ва ўрганилган жиноят ишлари таҳлили, гарчи Жиноят-процессуал кодексининг 172-моддаси иккинчи қисмида эксперт олдиға қўйилган саволлар ва унинг берган хулосаси экспертнинг махсус билимлари доирасидан ташқари чиқиши мумкин эмаслиги, Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунининг[19] 16-моддасида суд эксперти ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдиға қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона хулоса бериши кўрсатиб ўтилган бўлсада, амалиётда тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ ариза ва хабарлар юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб бораётган суриштирувчи ва терговчилар томонидан судга оид кимёвий экспертиза тайинлаш қарорлари “шаблон” қарорлардан фойдаланишаётганлиги сабабли сифатсиз чиқарилаётганлигини, қарорларда эксперт олдиға мантиқсиз тарзда ҳал қилиниши учун унинг ваколатига кирмайдиган ва махсус билимлари доирасидан ташқаридаги саволлар қўйилаётганлигини ёки аксинча, эксперт ҳал қилиши лозим бўлган саволлар қўйилмаётганлигини кўрсатмоқда. Ўз навбатида бу ички ишлар идоралари ходимлари ҳақида салбий тушунчалар шаклланишига, қолаверса, муайян воқеа ҳолати ўз вақтида аниқланмаганлиги оқибатида қўшимча куч ва вақт сарфланиб қўшимча экспертиза тайинлашга олиб келиш ҳолатларига олиб келиши мумкин.

Назаримизда, йилдан йилга тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятлар тобора ортиб бораётганлигини инобатга олиб, ҳар бир жиноий қилмиш юзасидан ўз вақтида тўлиқ, сифатли ва холисона тергов ҳаракатлари олиб борилиши орқали жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида, ички ишлар идоралари ходимларини бу борадаги билим савиясини ошириш ва қўшимча куч ва вақт сарфламасдан туриб ҳақиқатни аниқлаш учун тақиқланган экинларни етиштириш жинояти бўйича суд-кимёвий экспертизалар бўйича эксперт олдиға қўйилиши мумкин бўлган намунавий саволлар рўйхатини ишлаб чиқиш ҳамда ундан амалиёт ходимлари фойдаланишларини таъминлаш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу муносабат билан, биз томонимиздан ишлаб чиқилган эксперт олдиға қўйилиши мумкин бўлган қуйидаги намунавий саволлар рўйхатини таклиф этамиз:

- тақдим этилаётган ўсимлик таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар мавжуд бўлган тақиқланган ўсимликлар турига кирадими, агарда кирса қайси турига киреди, унинг вазни қанча?
- тақдим этилган ўсимлик таркибида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар мавжудми, мавжуд бўлса қайси гиёҳванд моддаси мавжуд?
- олиб қўйилган ўсимликлар ўсган жойи, экиш усули ва парваришлаш шароити бўйича умумий манбага мансубми?
- тақдим этилаётган ўсимлик маълум бир томорқада ўсганми?

Иккинчидан, тергов амалиётини ўрганиш натижаларига кўра, суриштирувчи, терговчилар томонидан мазкур турдаги ишлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида тергов-тезкор гуруҳи таркиби тўлиқ ҳолатда бўлмаслиги, чекка ҳудудларда эса аграр соҳадаги мутахассисни кўздан кечириш жараёнига жалб қилинмаслиги ҳодиса жойини сифатсиз кўздан кечирилишига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида тергов жараёнида исботлаш предметида бир қатор муаммоларни юзага

келтирмоқда. Эътиборли томони шундаки, тақиқланган экинларни етиштириш жиноятлари бўйича дастлабки ўтказиладиган ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва ашёвий далилни олиш тергов ва процессуал ҳаракатлари том маънода жиноят ишининг келгуси “тақдири”ни белгилаб беради. Боиси, ушбу тергов ҳаракатининг ўзидаёқ жиноят таркиби элементлари мавжуд мавжуд эмаслиги, процессуал тарзда қайд қилинади. Шу сабабдан мазкур турдаги ишлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш алоҳида эътибор ва малака талаб этади.

Аксарият ҳолатларда, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасида тақиқланган экиннинг экилган жойи, унга ишлов берилган берилмаганлиги, тупроқнинг умумий ҳолати, тупроқда ўғитлаш аломатлари бор ёки йўқлиги, экин майдонининг умумий ҳажми, неча туп ўсимлик мавжудлиги, экилган ўсимликларни атрофи ҳимояланган ҳимояланмаганлиги, яширишга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилган оширилмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар қайд қилинмайди.

Терговчи воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасида экспертиза ўтказишга алоқадор иш тафсилотларини ҳам батафсил баён этиши лозим.

Жумладан, воқеа жойини кўздан кечириш баённомасида тақиқланган экин топилган жой, унинг экилган ҳолати, парваришланганлиги, ерга ишлов берилганлиги, сақланиш шароити (намлик, ёруғлик), агар бундай экин топилган бўлса, унинг ҳосили олинган вақт, тупроқ тури, ўсган жойи кўрсатилиши керак.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда асосий эътибор тақиқланган экиннинг экилган жойи ва унинг ҳолатига қаратилиши лозим. Тақиқланган экинларни мутахассис иштирокида кўздан кечириб бўлинганидан сўнг далилий ашё тариқасида ҳужжатлаштирилиб олиниб, тегишли экспертиза тадқиқотига юборилиши лозим. Асосан тақиқланган экинлар полиэтилен халталарга солиниб муҳрланади. Халталар тегишли муҳр оттисклари, терговчи ва холисларнинг имзолари ва бошқа чоралар билан белгилаб қўйиш билан ундаги мавжуд моддалардан рухсатсиз фойдаланишни истисно қилиш керак. Янги узилган наша ва кўкнор ўсимликлари чириб, текширишга яроқсиз бўлиб қолмаслиги учун экспертизага юборишдан олдин сояда хона ҳароратида қуритилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Далилий ашё тариқасида олинган ўсимлик массасини экспертизага унинг ҳамма қисмлари (гули, барги, пояси, илдизи) сақланган ҳолда ва 1 кг. дан кам бўлмаган миқдорда юборилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Агарда ўсимлик массасида қўшимча зарралар мавжуд бўлса, уларни ташлаб юбормай бирга тақдим этиш лозим, чунки улар жиноят содир этилган жой ҳақида маълумот бериши мумкин.

Башарти, ўсимлик ўсган жойни аниқлаш билан боғлиқ вазифалар ҳал этилаётган бўлса, солиштириш учун текшириладиган модда (кўкнор ва наша ўсимлиги, наша ва майдаланган кўкнор ўсимлиги намуналари) билан бирга, ўсиши тахмин қилинган жойда ўсган бошқа ўсимликлар ҳам тақдим этилиши лозим. Ашёвий далил сифатида олинган тақиқланган экинлардан ташқари эксперт ихтиёрига солиштириш учун намуналар (агарда мавжуд бўлса), воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш, ашёвий далилларни олиб қўйиш баённомалари ва бошқа зарур материалларнинг нусхалари тақдим этилиши лозим.

Бироқ, бугунги кунда амалиётда ҳодиса содир бўлган жойда юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатларни аниқлаш мақсадида аграр соҳадаги мутахассисни жалб қилиш

ҳолатлари деярли учрамаяпти.

Ўйлашимизча, тақиқланган экинларни етиштириш жиноятларида исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлашда ҳодиса содир бўлган жой асосий ўрин эгаллаганлиги ҳамда тақиқланган экинларни етиштириш жинояти объектив томондан ушбу турдаги ўсимликларни экиш ва етиштиришда ифодаланганлиги боис, кечиктириб бўлмас ҳолатда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида аграр соҳадаги мутахассисни иштирокини мажбурий талаб сифатида киритиш лозим. Боиси, ҳодиса содир бўлган жойни кўдан кечириш давомида аграр соҳадаги мутахассиснинг жараёнда иштирок этиши бизга мазкур ўсимликларни экиш механизми, тупроққа ишлов берилган берилмаганлиги, умуман олганда уруғ ҳолатида ўсимлик экилганлиги, уни етиштиришга қаратилган қандай ҳаракатлар амалга оширилганлиги тўғрисида маълумотларни олишга ва уларни бевосита ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасига қайд қилиш орқали мустаҳкамлаш имконини беради.

Юқоридагилардан шундай хулоса келиб чиқадики, ИИВ ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирликлари ўртасида қўшма қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, мазкур турдаги терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ҳаракатлари жараёнида аграр соҳадаги мутахассиснинг иштирок этишини таъминлаш лозим бўлади.

Қайд қилинганлардан келиб чиққан ҳолда, тақиқланган экинларни етиштириш жинояти бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни такомиллашуви амалиётчи ходимлар томонидан ушбу турдаги жиноят ишлари бўйича тергов йўналишини тўғри режалаштиришларига, тергов ҳаракатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона олиб борилиши орқали ҳақиқатни аниқлашларига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – <http://old.lex.uz/docs/20596>
2. Жамолдинов.Х.Б. Мирзаев.А.С. Ўзбошимчалик жиноятини тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар. // Замонавий тадқиқотлар ахборотномаси 2023 йил. 4-сон июнь. Тошкент – 2023 йил // URL: <https://doi.org/10.5281/zenodo.8048365>
3. Абзалов А.Э. Жабрланувчининг ожиз аҳволдан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар бўйича дастлабки терговнинг хусусиятлари: Юрид.фан. ноз. ... дис. автореф. – Т., 2006. – Б. 11.
4. Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик // юридик фанлар доктори, професор М. А. Ражабова таҳрири остида. Тўлдирилган ва қайта ишланган учинчи нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 490 б.
5. Белкин Р.С. Криминалистика: проблемы сегодняшнего дня. Злободневные вопросы Российской криминалистики ib.maupfib.kg/wp-content/uploads/2015/12/kriminalistica.pdf (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 23.05.2024 й). Филиппова А.Г. Криминалистика: Учебное пособие в схемах// <http://lawlibrary.ru/izdanie503.html> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 23.05.2024 й). Аверьянова, Р.С. Белкин, Ю.Г. Корухов, Е.Р. Россинская; Криминалистика: Учебник для вузов /<https://znanium.com/catalog/document?id=416664> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 23.05.2024)
6. Абдумажидов Ғ.А., Алимова Р.А., Арипов Т.Э. ва бошқ.Криминалистика: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: “Адолат”, 2003 – Б.15.

7. Алланазаров О.Д. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштириш. Ю.ф.б.ф.док(phD) дис. – Т., 2021. – 64 б.
8. Гинзбург А.Я. Общие принципы криминалистики и принципы построения методики расследования // Вопросы криминалистической методологии, тактики и методики расследования. М., 1973. С. 89.
9. Селиванов Н.А. Понятие и виды общих положений методики расследования // Актуальные проблемы советской криминалистики. М., 1979. С. 4, 5.
10. Филиппов А.Г. Содержание и структура криминалистической методики // Проблемы криминалистики: избр. статьи. М., 2007. С. 64.
11. Образцов В.А. К вопросу о предмете методики расследования отдельных видов преступлений // Методика расследования преступлений. М., 1976. С. 57, 58.
12. Хмыров А.А. Криминалистическая характеристика преступления и предмет доказывания // Криминалистическая характеристика преступлений: сб. науч. трудов. М., 1984. С. 52, 53.
13. Войцеховская С.В., Грамович Г.И., Калинин Л.Н. и др. Методика расследования незаконных операций с наркотиками. Минск, 2003. С. 45.
14. Алланазаров О.Д. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштириш. Ю.ф.б.ф.док(phD) дис. – Т., 2021. – 64-65 б.
15. Шакуров Р.Р., Рахимов А. М., Джуманов Ш.Т., Тоштемиров Н. ва бошқ. Бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари: Ўқув қўлланма. – Т., 2010. –Б. 34.
16. Куринов Б.А. Научные основы квалификации преступлений. awlibrary.ru/izdanie12115.html (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.03.2022 й)
17. Белкин Р., Быховский И., Дулов А. Модное увлечение или новое слово в науке (Еще раз о криминалистикой характеристики преступлений <https://cyberleninka.ru/article/n/kriminalisticheskaya-harakteristika-prestupleniy-kak-kategoriya-sovremennoy-kriminalistiki> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 25.06.2022).
18. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси// <https://lex.uz/docs/111460> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 24.05.2024 й)
19. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 01 июндаги “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни// <https://lex.uz/docs/111460> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 25.03.2022 й)